

Айбдорнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларини ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 6 апрелдаги ҳукмига кўра, К. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «л» банди билан 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2009 йил 4 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра К. 2008 йил 24 декабрь куни соат 21 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилиш мақсадида, Тошкент шаҳар, Бектемир туманида жойлашган “Омад” кафесига келган. Шу ерда К. уяли телефони орқали сўқиниб, кафе ходимларининг тартибга чақирувчи талабларига бўйсунмаганлиги сабабли, танишлари Т., И. томонидан тинчлантирилган.

Шундан сўнг К. маст ҳолатда Т. билан жанжаллашиб, Т.ни қасддан ўлдириш мақсадида ёнида бўлган пичоқ билан унинг кўкрак қафасига бир марта уриб воқеа жойидан яширинган. Т. олган тан жароҳати оқибатида Тошкент вилояти, 1-сонли клиник шифохонасида вафот этган.

Олий суд раисининг ўринбосари томонидан назорат тартибида протест билдирилиб, суд қарорларини ўзгартириш масаласи қўйилган.

Суд К. томонидан содир этилган жиноят тавсилотини тўғри аниқлаган бўлсада, бироқ унинг ҳаракатини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **“Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 16-банднинг учинчи хат бошида безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан (Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми) фарқлаш учун уруш-

жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозимлиги, агар уриш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайрихукуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, иш бўйича Олий суд Пленумининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳолатларига қараганда, К. “Омад” кафесида спиртли ичимликларини истеъмол қилган маст ҳолатда уяли телефони орқали жамоат жойида сўқинган, уни кафе ишчиси А., танишлари Т. билан И. тинчлантиришган.

Шундан сўнг маст ҳолатдаги Т. К. билан илгари бўлиб ўтган келишмовчиликни эслаб, боши билан К.ни юз қисмига урган. К. эса столдан ерга йиқилиб тушиб, Т. билан кўчада гаплашиб олишни айтиб, уни ташқарига таклиф қилган.

Кейинчалик К. Т.ни қўлида бўлган пичоқни кўриб, ёнида бўлган пичоқни чиқариб Т.ни қасддан ўлдириш мақсадида кўкрак қасасига бир марта урган.

Судланган К. дастлабки тергов ва судда, 2008 йил 24 декабрь куни соат 18 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилиш мақсадида “Омад” кафесига келганлиги, уяли телефонида турмуш ўртоғи билан гаплашиб уни ҳақоратлаганлиги, шу вақтда кафе ишловчиси унга жамоат жойида эканлигини таъкидлаганлиги, шу орада танишлари И. билан Т. келиб Т. илгари ўрталарида бўлиб ўтган келишмовчиликни эслаб қолганлиги сабабли ўзаро гап таллашиб қолганлиги, шу пайт Т. ўрнидан туриб боши билан унинг юзига бир маротаба зарб билан урганлиги учун столдан ерга йиқилиб тушганлиги, сўнг Т.нинг ўнг қўлида пичоқ ушлаб турганлигини кўриб ўзини

ҳимоя қилиш мақсадида, ёнидаги пичоғи билан уни бир марта урганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ И. дастлабки тергов ва судда, 2008 йил 24 декабрь куни соат 19 ларда таниши Т. билан “Омад” кафесига борганларини, у ерда таниши К. маст ҳолатда ҳар-хил ёмон сўзлар билан телефон орқали суҳбатлашиб турганлигини кўрганлиги, Т. К.ни тинчлантириш учун кўчага олиб чиққанлигини, бир оздан сўнг яна биргалашиб кафега қайтиб киришганлари, Т. билан К. ўртасида низо чиқиб жанжаллашиб қолганлари, шунда Т. боши билан К.ни юз қисмига урганлиги, К. олган зарбадан стулдан йиқилиб тушганлиги, шунда К. ўрнидан туриб Т. билан кўчага чиққанлари, шундан сўнг Т. тепага қараган ҳолда ётганлигини кўрганлиги, шу орада милиция ходимлари ва тез ёрдам машинаси келиб, Т.ни касалхонага олиб кетганлари ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ А. дастлабки тергов ва судда, “Омад” кафеси фаолиятини юритиб келиши, 2008 йил 24 декабрь куни соат 21 ларда кафега келган маст ҳолатдаги К. уяли телефонда ҳақорат қилаётганлигини эшитганлиги, шунда К.га жамоат жойида эканлигини айтиб ташқарига чиққанлиги, шу пайт К.нинг танишлари Т. билан И. кафега келганлиги, бир оздан сўнг Т. К. билан жанжаллашганлиги, К.нинг бурун соҳаси қонаётганлигини кўрганлиги, К. кўлидаги пичоқ билан Т.нинг кўкрак соҳасига бир марта урганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Жиноят ишида К. Т.ни безорилик оқибатида яъни жамиятга ва умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига рўйрост ҳурматсизлик замирида касддан ўлдирганликда намоён этувчи далиллар мавжуд эмас.

Бундай ҳолатда судлов хайъати К. Т.ни безорилик оқибатида эмас, балки жаҳл устида Т.нинг ғайриҳуқуқий хулқ атвори сабабли пичоқ билан уриб уни ўлдирган деб ҳисоблайди.

Шу сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 27 октябрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 6 апрелдаги ҳукми ҳамда шу суд кассация инстанциясининг 2009 йил 4 декабрдаги ажрими ўзгартирилиб, К.нинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “л” бандидан, шу Кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Назорат иши ЖСХ-267-11